



ANALYSIS OF LEGAL BASIS FOR REGULATING THE ACTIVITIES OF LOCAL AUTHORITIES

Olimov Sherzod Baxtiyor o`g`li

Tashkent State Law University 5A240108 - Public Administration Law

(Uzbek) direction freshman

OlimovSh.B@yandex.ru

Annotation

The article notes that during our independent development, the introduction of measures, legal framework and mechanisms to improve the activities of local authorities in all areas, the formation of a perfect legal framework for radical reforms in our country to ensure the full implementation of today's goals. The Constitution, constitutional laws, codes and many other laws that form the legal basis of our socio-political life, as well as the structural subdivisions, the basis and principle of activity of local authorities were studied.

Keywords: The system of local government in the Republic of Uzbekistan, the normative legal document regulating the activities of local authorities in Uzbekistan, the characteristics of the tasks performed by managers and specialists, the effectiveness of systematic and timely administrative reforms.

Аннотация

В статье отмечается, что в ходе нашего независимого развития, внедрения мер, нормативно-правовой базы и механизмов по совершенствованию деятельности органов местного самоуправления во всех сферах, формирование совершенной правовой базы для проведения радикальных реформ в нашей стране для обеспечения полной реализации Сегодняшние цели: были изучены Конституция, конституционные законы, кодексы и многие законодательные акты, составляющие правовую основу нашей общественно-политической жизни, а также территориальные подразделения, основы и принцип деятельности органов местного самоуправления.

Ключевые слова: система местного самоуправления в Республике Узбекистан, нормативно-правовой документ, регулирующий деятельность органов местного самоуправления в Узбекистане, характеристика задач,



выполняемых руководителями и специалистами, эффективность систематических и своевременных административных реформ.

Аннотация

Мақолада Мустақил тараққиётимиз мобайнида барча соҳалар қатори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такоминлаштиришга қаратилган чоратадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилиши, бугунги провард мақсадларни тўлиқ рўёбга чиқарилишни таъминлаш йўлида, юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мукамал ҳуқуқий асослари шакллантирилаётгани ва энг аввало, демократик сиёсий тизимнинг таркибий ҳудудий бўлинмалари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этувчи Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар ва кўплаб қонун ҳужжатларида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти асоси ва тартиб тамоили ўрганилди.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими, Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимияти органлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Раҳбар ва мутахассисларни улар бажарадиган вазифаларнинг хусусиятлари, Маъмурий ислоҳотларнинг тизимли ва ўз вақтида ўтказилиши самарадорлиги.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органларининг тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусият Ўзбекистон Конституциясида белгиланишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тизими алоҳида-алоҳида эканлигида кўринади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, мамлакатимизда маҳаллий миқёсдаги фаолият икки турда вакиллик давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади[1].

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими, вазифалари ҳамда ваколатларининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида белгиланган. Конституциямизнинг 99-моддасига биноан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган



шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳисобланади.

Шунингдек, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши кўрсатилган. Мазкур нормада ҳокимиятлар қайси маъмурий ҳудудларда фаолият кўрсатиши ҳақида алоҳида белгиланган бўлмаса-да, мазмунан, улар вилоят, туман, шаҳарларда фаолият кўрсатишини билиб олса бўлади, яъни ҳокимиятлар вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ташкил қилинади.

Бундан келиб чиқадики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши вилоят, туман ва шаҳар тизимида фаолият кўрсатади. Улар давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти органлари кўринишида мавжуддир.

Асосий Қисим

Маҳаллий ҳокимият органларининг тизими деганда вилоят, туман, шаҳарларда ташкил қилинадиган давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари халқ депутатлари Кенгашлари ва ижроия ҳокимият органлари – ҳокимликлар йиғиндисига айтилади. Бу тизимга кирувчи вакиллик ҳокимият органлари бир-биридан мустақил, ҳамкорлик асосида ташкил қилинса ва фаолият юритса, ижро ҳокимияти органлари ҳокимлар вертикал бўйсунуш асосида ташкил топади ва фаолият юритади[2].

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимияти органлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат фақат Конституция билан чегараланиб қолмайди. Бундан ташқари, қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни бирма бир таҳлил қилиб чиқамиз.

Аввало, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХII-сонли қонунга асосан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимиятига бўлинади[3]. Хусусан, қонуннинг 1-моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айтилган бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Маҳаллий ҳокимият органлари юқорида кўрганимиздек, икки гуруҳга ажратилмоқда, вакиллик ва ижроия органи. Бироқ қонуннинг 1-моддаси



иккинчи қисмида ҳоким вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради деган норма қонунчиликка зид. Вакиллик органи Халқ депутатлари кенгашлари ҳисобланар экан ҳоким уларга раҳбар сифатида тайинланиши қонунийлик ва адолат принципларига зиддир. Бунинг сабабини нормалар зидлигидан келиб чиқиб исботлаймиз. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунинг 24-моддасида халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари келтирилган бўлиб, хусусан,

- ҳокимнинг тақдимига биноан, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни куриш қоидаларини тасдиқлаш;

- ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш каби нормалар белгиланган.

Энди мантиқан фикр юритсак, ҳоким халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилар экан, ўзи ҳоким сифатида ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастур тақдим этиб ва яна ўзи Кенраш раиси сифатида бу дастурни тасдиқлайдими. Ёки яна бир мантиқсизлик, ҳокимни лавозимга тасдиқлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги Кенгаш қарори гарчи кенгашда муҳокама қилинсада, бироқ охир оқибат Кенгаш раиси сифатида ҳоким имзолаши лозим.

Яна қандай қилиб, маҳаллий органлар фаолияти самарадорлиги хусусида сўз юритиш мумкин. Аввало, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиб, ҳоким ва халқ депутатлари кенгашларининг ваколатларини бир-биридан ажратиш лозим. Бундай ташқари қонунга албатта ҳокимликлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш хусусидаги нормаларни ҳам киритиш лозим, зеро амалдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда бу ҳақда бирор бир норма мавжуд эмас.

Шу ўринда, 2020 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда кўрсатилган ҳудудларни баҳолаш бўйича асосий 8 та устувор йўналиш янги таҳрирдаги қонунга киритиш лозим. Бу йўналишларқуйидагича:

- иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик;

- меҳнат бозори самарадорлиги;

- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва сифати;



инфратузилмадан фойдаланиш имконияти ва унинг ривожланганлиги;
иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ва диверсификация қилинганлиги;
ишбилармонлик муҳити сифати ва тадбиркорликни ривожлантириш;
молиявий мустақиллик, банк-молия соҳасининг ривожланиши;
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари
билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги [4].

Раҳбар ва мутахассисларни улар бажарадиган вазифаларнинг
хусусиятларини ҳамда бу кишилар меҳнатининг ўзига хослигини инобатга
олган ҳолда баҳолаш талаб этилади. Раҳбарларни баҳолаш ташкилотчилик
қобилиятини инобатга олган ҳолда амалга оширилади ва жамоатчилик
меҳнатининг натижаларига қаратилади. Мутахассислар шахсий меҳнат
иштирокининг натижалари бўйича баҳоланадилар. Ўз навбатида,
бошқарув бўйича ҳар қандай мутахассис бир қанча муҳим ишбилармонлик
фазилатларига эга бўлиши керак. Жумладан, бошқарув соҳасида махсус
билимларга эга бўлиши (назарий асосларга, бошқарувнинг илғор шакл ва
услугларига, замонавий, миллий ва хорижий илм ҳамда тажрибаларга);
кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга қобилияти бўлиши;
жамоани қўйилган вазифаларни ҳал қилишга сафарбар эта олиши;
интизомни ушлаш, иш манфаатларини ҳимоя қила олиш қобилияти;
бошқарув аппарати ишини тўғри режалаштира билиши; бўйсунувчилар
орасида ҳуқуқ, ваколат ва масъулиятни омилкорлик билан тақсимлай
билиши; ташкилотнинг ягона бошқарув тизими сифатида барча
тузилмавий бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштира билиши; шахсий
фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштира билиш, унда
бошқарувнинг асосий принципларини инобатга олиш, вазиятдан келиб
чиқиб ишни маъқул ва самаралироқ шакл ва услубларини қўллаш; ўзига ва
бўйсунувчиларга юқори талабчанликни намоеён қилиш; тезкор ва кундалик
ишларни ҳал қилишда аниқлик ва равшанликни намоеён қилиш; ўзининг ва
жамоа ишининг натижаларини инобатга олиш ва назорат қила билиш;
ходимларни рағбатлантира билиш, ўз қарорларини амалга оширишда ўз
зиммасига масъулиятни ола билиш; ўзининг ва ходимларнинг ишида ҳар
қандай расмийликни бартараф қилиш ва бошқалар.

Кейинги норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу 1997 йил 17 июнь кундаги
Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг “Вилоятлар ва Тошкент
шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмаларини такомиллаштириш
тўғрисида”ги ВМҚ-301-сонли қарори [5] ҳамда 1997 йил 30 сентябрь



кунидаги Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-459-сонли қароридир. Ушбу қарорларда нафақат вилоятлар, шаҳарлар, туманлар аппарати тузилмаси ва ҳодимлар сони, балки мазкур аппарат зиммасига юклатилган вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Бундан ташқари, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

Шу ўринда 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси асосида давлат бошқарув органлари тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичига қадам қўйилди. Хусусан, Маъмурий ислоҳотлар Концепциясига доир бир қатор фикрлар билан танишиб ўтсак. «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон[6] 2017 – 2021- йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб беради.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистонда барча соҳаларда чуқур ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани тўғрисида сўз юритиб, Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун|| деган тамойилни ҳаётга татбиқ этиш орқали асосий мақсадимиз – халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклигини алоҳидатаъкидлаб ўтган эди.

Президентнинг Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони ана шу улуғвор мақсад йўлидаги муҳим ҳужжатдир. Зеро, маъмурий ислоҳотлар асосий йўналишлари қаторидан иқтисодиёт соҳаларига қаратилган маъмурий таъсирларни қисқартириш, бошқарувнинг бозор механизмини кенгайтириш, вертикал бошқарув тизими ва ижро ҳокимияти органлари

ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви тизимига инновацион ғояларни, технологияларни жорий этиш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали усуллари қўллаш кабилар ўрин олган.

Натижа ва Самарадорлик

Маъмурий ислохотларнинг тизимли ва ўз вақтида ўтказилиши яхши самара беради. Бунга мисол тариқасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австрия, Швейцарияни келтириш мумкин. Ушбу давлатлар томонидан маъмурий ислохотлар рўёбга чиқарилиши натижасида иқтисодиёт шиддат билан ривожланган, давлат органлари билан фуқаролар ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабат йўлга қўйилган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашнинг мукамал тизими яратилган[7]. Шу маънода муҳим стратегик ҳужжат бўлган концепциядаги мамлакатимиз ривожланишини таъминловчи устувор йўналишларни амалга оширишнинг тўлақонли ҳуқуқий механизмларини яратиш катта меҳнат талаб қилади. Бунда мутассадди ташкилотлар, олий таълим, тадқиқот муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки катта аҳамият касб этади.

Ижро ҳокимияти органлари ҳамкорлигини ривожлантиришда идоралараро коллегиал органларнинг ваколат ва вазифаларини аниқ белгилаш муҳим. Бунинг учун ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозим. Бугунги кунда ана шундай қонун ҳужжатлари мавжуд. Лекин уларда ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ўзаро иш юритиш процессига катта урғу берилган. Ҳолбуки, асосий эътибор уларнинг ваколатларига қаратилиши зарур эди. Бу эса ҳозирда катта муаммога айланган ваколатлар тўқнашувининг олдини олиш имконини беради.

Халқ депутатлари Кенгашига ҳокимнинг иш самараорлигига баҳо бериш вазифаси юклатилиши тўғри, бироқ Кенгашнинг раиси ҳоким эканлиги ҳисобга олсак, ўзига ўзи баҳо бериш мантиқсизлик. Шу сабабли ҳам Халқ депутатлари Кенгаши раиси алоҳида ҳосил шахс бўлиши лозим.

Хулоса

Демак, юқоридаги фикрларга асосан, амалдаги Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунда вакиллик ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида ҳокимнинг тайинланиги, ушбу ҳокимнинг фаолиятини



баҳолашда холислик принципига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимлик фаолияти самарадорлигини баҳолашда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун холис нодавлат ташкилоти ташкил этиб, унга вилоят бўйича мавжуд барча давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолияти юзасидан аҳоли ўртасида сўровнома ўтказиш ваколатини бериш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда
2. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2012. – 564 б.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й., 07/20/4702/0528-сон
5. https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=545145
6. Маъмурий ислохотлар: кучли фуқаролик жамияти сари|| мавзуида республика илмий-амалий конференцияси. 05/10/2017 й. <http://21asr.uz/post/mamuriy-islohotlar-kuchli-fuqarolik-jamiyati-sari>
7. Laurence E. Lynn, Jr. New Public Management Comes to America/ https://www.researchgate.net/publication/5091324_New_Public_Management_Comes_to_America/citations#fullTextFileContent